



PECULIARITIES OF JUDICIAL INVESTIGATION IN CRIMINAL PROCEEDINGS

Bakhrombek Yarashev

lecturer

Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan

Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Judicial investigation, court, interrogation, inspection, protocol, judge

Received: 10.11.24

Accepted: 12.11.24

Published: 14.11.24

Abstract: The article analyzes the specific aspects of conducting certain investigative actions in criminal courts, the points requiring attention at this stage, and issues related to improving this process.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУД ТЕРГОВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бахромбек Ярашев

ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: суд тергови, суд, сўрок қилиш, кўздан кечириш, баённома, судья.

Аннотация: Мақолада жиноят ишлари бўйича судларда айрим суд тергови ҳаракатлари ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари, ушбу босқичда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар, уни такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган.

ОСОБЕННОСТИ СУДЕБНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Бахромбек Ярашев

преподаватель

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Судебное следствие, суд, допрос, осмотр, протокол, судья.

Аннотация: В статье проанализированы особенности проведения некоторых следственных действий в судах по уголовным делам, моменты, на которые следует обратить

Маълумки, дастлабки тергов ҳаракатлари жиноят иши қўзғатилганидан сўнг жиноят ишини юритиш ваколати берилган органлар томонидан амалга ошириладиган, жиноятни тўлиқ ва ҳолисона тергов қилиш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган жараёнлардан иборат. Бу жараённинг асосий мақсади — жиноят иши юзасидан далилларни йиғиш, уларни ҳолисона текширишдир.

Шу ўринда олимлардан В.Семеновнинг таъкидлашича,: "Дастлабки тергов ҳаракатлари — бу жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган процессуал ҳаракатлар мажмуасидир. Улар жиноят ишида муҳим аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш, терговчилар ёки бошқа ваколатли шахслар томонидан ўтказилади."

Суд тергови эса суд мажлислари жараёнида суд томонидан жиноят иши юзасидан далилларни текшириш, баҳолаш ва тасдиқлашга қаратилган жараёнлардан иборат. Суд терговининг мақсади — жиноят иши бўйича айбланувчи ёки ҳимояланувчи томонидан келтирилган далилларни баҳолаш, уларнинг ҳақиқийлигини текшириш ва суд ҳукмини чиқариш учун асослар яратишдан иборат.

Яна бир гуруҳ олимлардан О.Баев дастлабки тергов ҳаракатларига таъриф беришда шундай дейди: "Ҳар бир тергов ҳаракати процессуал ҳаракат бўлиб, барча процессуал ҳаракатлар тергов ҳаракати эмас, балки жиноятга оид далилларни топиш ва қайта ишлашга қаратилган."

Бу борада, И.Лузгин томонидан эса тергов ҳаракатларининг ижтимоий вазифаси қайд этилиб, "Тергов ҳаракатлари — бу жиноят ишлари бўйича далилларни тўплаш, уларни қонуний шаклда расмийлаштириш ва текшириш мақсадида ўтказиладиган жараён ҳисобланади" – дея таъриф берилган.

Олимлардан С.Шейфер томонидан эса суд терговига қуйидагича таъриф берилган: "Суд тергови — бу суд томонидан жиноят ишини кўриш жараёнида амалга ошириладиган, далилларнинг ҳақиқийлигини аниқлашга қаратилган, суд мажлисида ўтказиладиган жараён ҳисобланади."

Атоқли олимлардан А.Ларин томонидан эса суд терговининг муҳимлиги таъкидланиб,у "Суд тергови, суд жараёнида далилларни текшириш, баҳолаш ва уларни ҳолисона ўрганишга қаратилган мажбурий жараён ҳисобланади"⁵ – деб ҳисоблайди.

Суд тергови ишларни адолатли ҳал қилинишида муҳим жараён бўлиб, унинг тарихи қадимги даврларга, ҳатто илк цивилизациялар даврига бориб тақалади. Турли маданиятларда суд тергови турлича шаклланган ва ривожланиб келган. Хусусан, суд тергови тарихи Миср, Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитой каби қадимги цивилизациялардан

бошланади. Масалан, Бобил қонунчилиги, Ҳаммурапи қонунларида ўз ифодасини топган бўлиб, бу қонунларда турли жиноятлар учун жазо турлари белгиланган. Бу эса тергов жараёнининг умумий тартибини шакллантиришга ёрдам берган.

Қадимги Рим даврида суд тергови ва ҳуқуқий жараёнлар янада мураккаблашган. Рим ҳуқуқи (*Ius Romanum*) турли давлатлар ва маданиятларга таъсир қилган, шу жумладан суд терговининг замонавий шаклларига ҳам асос солган. Уларнинг ҳуқуқий тизимида айбдорлик ва айбсизликнинг далиллар билан исботланиши талаб қилинган.

Ўрта асрларда Европа давлатларида тергов жараёнлари черков томонидан бошқарилган. Инквизиция даврида суд жараёнлари кўрқинчли ва кучли тартибда олиб борилган. Инквизиция даврида диний суд ишлари учун махсус судлар ташкил этилган ва ёпиқ тергов усуллари ишлатилган.

Ислом ҳуқуқи (Шариат)да ҳам суд тергови мустаҳкам ўрин эгаллаган. Қуръон ва ҳадислар асосида ишлаб чиқилган Ислом ҳуқуқи адолатни таъминлашга қаратилган бўлиб, унда қози (судья)ларнинг адолатли қарор чиқаришлари талаб қилинган.

Замонавий ҳуқуқ тизимлари суд тергови учун юқори стандартларни жорий қилган. Бу даврда АҚШ, Европа ва бошқа кўплаб давлатларда далилларнинг қонунийлиги, ҳуқуқий ҳимоя ва суд жараёнларининг шаффофлигига катта эътибор берилган. Айниқса, адолатли суд жараёни ва қонуний ҳимоя тушунчалари кенг тарқалган.

Тергов хусусиятига эга суд ҳаракатлари, суд ишларини кўриб чиқишнинг умумий шартлари асосида ўтказиладиган маълумот олиш усуллариининг мажмуини ўз ичига олади. Шу билан бирга, фақат суд ишларини кўриб чиқишнинг умумий шартлари суд тергови жараёнида суд томонидан маълумот олиш ҳаракатларини жиноят процессининг умумий принципларига мувофиқ равишда тўлиқ таъминлай олмайди. Бизнинг фикримизча, айрим тергов хусусиятига эга суд ҳаракатларини амалга ошириш тартиби ва уларнинг мазмуни уларни ўтказиш жараёнида маълум саволларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тергов ҳаракатлари ва тергов хусусиятига эга суд ҳаракатларини тартибга солиш бўйича қиёсий таҳлили дастлабки тергов ҳаракатлари тергов хусусиятига эга суд ҳаракатларига нисбатан юқори даражада тартибга солинганлигини кўрсатади. Хусусан, дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг **18 та** бобида тартибга солинган бўлиб, уларда **134 та** алоҳида қоида мавжуд. Бошқа томондан, суд тергови тергов хусусиятига эга суд ҳаракатларини амалга ошириш бўйича эса фақатгина ягона **52-боб** мавжуд бўлиб, бор-йўғи **10 та** ҳуқуқий нормани ўз ичига олади.

Мақолада ушбулардан фақатгина сўроқ қилиш, кўздан кечириш ва кшрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш ҳаракатлари ҳақида тўхталамиз.

Тергов ҳаракатларини тергов хусусиятига эга суд ҳаракатларидан ажратиб турувчи ўзига хос жиҳатлар уларни амалга ошириш шартлари ва тартибга солишдан иборатдир. Бундан ташқари, тергов ҳаракатлари рўйхати тергов хусусиятига эга суд ҳаракатларига қараганда кенгрокдир. Бундай тартибга солишнинг сабабларидан бири тергов ҳаракатларининг ва тергов хусусиятига эга суд ҳаракатларининг предмети бўлиши мумкин.

Тергов ҳаракатларидан фарқли равишда суд тергов ҳаракатларига алоҳида тартибда муурожаат қилади. Бу ҳолда муурожаат тегишли тергов ҳаракатларини амалга ошириш қоидаларига ишора қилади. Жиноий-процессда далилларини исботлаш воситалари бўлган дастлабки тергов ва суд тергови бир-бирига ўхшаш муайян усулларни ўз ичига олади: сўроқ, суд экспертизасини ўтказиш, кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, қидирув, танишиш учун тақдим қилиш ва шу қабилар. Шу билан бирга, терговга тегишли бўлган, фақат судда амалга ошириладиган айрим ҳаракатлар, масалан, кўрсатувлар ва тергов ҳаракатлари баённомаларини ўқиб эшиттириш дастлабки тергов жараёнида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бу ҳақда ЖПКнинг 105-моддасида сўроқ жараёнида суриштирувчи, терговчи ишга қўшиб қўйилган ёки тарафлар ихтиёрида бўлган нарсалар ва ҳужжатларни сўроқ қилинувчига кўрсатишлари, шунингдек тегишли ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари мумкинлиги кўрсатилган.

Тергов ҳаракатларини аудио ёки видеоёзув, кинотасвирга олиш материалларини қайта тиклаш орқали амалга оширилиши мумкин. Бошқа томондан, тергов ҳаракатлари суддаги тергов ҳаракатларига ўхшаш усулларга эга бўлган ҳолда, уларга ўхшаш, лекин янада мураккаб усулларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, суд тергови давомида фақат сўроқни амалга ошириш мумкин, аммо дастлабки тергов жараёнида юзма – юз суҳбат ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби сўроқ элементлари бошқа усуллар билан қўшилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, шу жумладан, кўздан кечириш элементларини ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси айрим терговга оид суд ҳаракатларини амалга оширишга рухсат берса-да, суд жараёнининг ташкилотчилик-техникавий хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олмайди. Масалан, айти бир вақтда бир неча судланувчига нисбатан суд жараёнида кўп сонли иштирокчиларнинг мавжудлиги туфайли суд тергов ҳаракатларини ўтказиши қийинчилик туғдириши мумкин, чунки бу ҳолатда уларнинг ҳимоячилари сони ҳам ошади. Бундан ташқари, томонларнинг бевосита иштирок этиши талаб қилинади. Бироқ, айрим ҳолларда, масалан тергов эксперименти ёки биноларни кўздан кечириш жараёнида барча иштирокчиларнинг ушбу жараённи кузатиши ва иштирок этишини таъминлаш, кўздан кечириш ҳудудларининг чекланганлиги сабабли,

чекланиши мумкин. Бу каби ҳолатлар суд ишида иштирок этаётган шахсни далилларни бевосита ўрганишда, уларни шубҳа остига қўйишда ва саволлар беришда иштирок этиш имкониятидан расман маҳрум этиши мумкин.

Суд жараёнининг ушбу хусусиятлари терговга оид суд ҳаракатларини ўтказиш хусусиятларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Суд тергови давомида асосий терговга оид суд ҳаракатларидан бири сифатида кўрсатиладиган сўроқни амалга оширишсиз ҳеч бир суд жараёни ўтмайди, унда судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар, эксперт ва мутахассис кабилар сўроқ қилинади.

Суд жараёнининг ривожланиш хусусиятлари, унда ўрганилиши керак бўлган далиллар рўйхатига қараб, суд тергови Жиноят – процессуал кодексида назарда тутилган барча турдаги сўроқларни ўз ичига олмаслиги мумкин. Бундан ташқари, тарафлар розилиги билан аввал дастлабки тергов жараёнида сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувлари ўқиб эшиттирилиши мумкин. Бунда, судланувчини сўроқ қилиш, бир томондан, далилларни бевосита ўрганиш шакли сифатида хизмат қилса, иккинчи томондан, дастлабки тергов органи томонидан айбланувчининг зиммасига қўйилган айблов бўйича унинг ўз воқеалар версиясини баён этиш усулидир. Тергов ҳаракатлари баённомалари ўз мазмуни бўйича ўзгармас далил манбаи сифатида хизмат қилса, сўроқ далилларни йиғиш усулидир. Бу мазкур тергов ҳаракатининг хусусиятлари ва сўроқ қилинаётган шахс ўз кўрсатувларини сўзма-сўз қайта айтиши амалда мумкин эмаслигидан келиб чиқади.

Ҳатто судланувчи кўрсатув беришни истамаса ҳам, уни сўроқ қилиш имконияти унинг кўрсатув бериш ёки сўроқдан бош тортиш истагини баён қилгунга қадар сақланиб қолади ва бу суд мажлиси баённомасида қайд этилади. Бошланғич рад этишга қарамай, судланувчи кейинчалик истаган вақтда кўрсатув бериши мумкин.

Атоқли олимлардан Е.Селина кўрсатувларни жиноят ишлари юритишда далиллар турлари рўйхати аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолаган. У сўроқлар давомида олинган кўрсатувлар ва бошқа тергов ҳаракатлари давомида олинган худди шу кўрсатувларни баҳолашда юзага келадиган муаммоларни таъкидлаб, “Танишиш учун тақдим қилиш ва қўп ҳолларда тергов эксперименти жараёнидаги кўрсатувлардан келиб чиқиб уларнинг муҳим қисмларини барча деталлари, тафсилотлари ва текширилган аниқлигида қайд этади, ҳодиса жойида кўрсатувларни текшириш эса кўрсатувларни исботлаш жараёнига мослаштириш воситаси бўлиб, уларнинг мураккаблашган қайд этилишини таъминлайди.” -дея фикр билдирган.

Бизнинг фикримизча, судда сўроқ қилиш турларини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ масала муҳим аҳамиятга эга. Масалан, сўроқ турлари сифатида судланувчи ва жабрланувчини судда бир вақтнинг ўзида сўроқ қилиш ёки уларни бир вақтнинг ўзида бир

неча нафар шахслар томонидан сўроқ қилинишини янада тартибга солиш муҳим. Амалдаги жиноят-процессуал кодексида эса бу ҳолат расман тартибга солинмаган, шунингдек, унинг ўтказилиш тартиби ҳам белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра гувоҳлар алоҳида сўроқ қилиниши лозим. Бироқ, суд жараёнида айрим ҳолатларда икки гувоҳ жиноий иш ҳолатлари бўйича қарама-қарши кўрсатувлар бериши мумкин. Шу сабабли, ушбу кўрсатувлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида, қонун томонидан аллақачон сўроқ қилинган шахсларни бир вақтда сўроқ қилиш имкониятини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатда янги гувоҳни сўроқ қилиш жараёнида аввал сўроқ қилинган гувоҳга яна савол бериш имкониятини таъминлаш тартибини белгилаш жиноий иш бўйича далилларни тўлиқроқ ўрганишга ва ушбу далиллар асосида жиноий ишнинг аниқ ҳолатларини белгилашга ёрдам беради.

Мавжуд тартибга кўра, иштирокчи шахслар кўрсатувларидаги зиддиятлар фақат суднинг якуний қарорида бартараф этилади. Бироқ амалда, сўроқ қилинган шахсдан савол беришни тўхтатиб, аввал сўроқ қилинган гувоҳга савол бериш мумкин бўлган ҳолатлар кузатилади. Бундай сўроқнинг аҳамияти шунда намоён бўладики, бундай сўроқ зиддиятларни юқори даражада аниқлашга, кўрсатувлар ва уларда баён этилган маълумотларнинг ишончилигини текширишга ва келгусида далилларни баҳолашни осонлаштиришга ёрдам беради. Нега гувоҳлар ва жабрланувчилар ўртасидаги зиддиятларни уларнинг ўзига мурожаат қилиб тушунтириш таъқиқланади?

Шу боис, бир вақтда ва навбатма-навбат бир неча суд иштирокчиларини сўроқ қилиш тартибини суд терговидида норматив асосда ривожлантириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда, сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувлари текшируви ва таҳлилига фақатгина жабрланувчи ёки судланувчиларнинг кўрсатувларига нисбатан йўналтирилган ҳолларда рухсат берилган. Бошқача айтганда, амалда юзма-юз суҳбат ёки шахмат усулидаги сўроқ жараёнида айбланувчи ва жабрланувчи, айбланувчи ва гувоҳ, жабрланувчи ва гувоҳ кўрсатувлари ўртасидаги зиддиятлар бартараф этилади. Бироқ, ушбу рўйхатда «гувоҳ ва гувоҳ» ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш назарда тутилмаган. Масалан, тергов ҳаракатлари ёки тезкор тадбирларда иштирок этган шахслар гувоҳ сифатида сўроқ қилинганларида, тадбир давомида иштирок этган ҳолатлар бўйича уларнинг кўрсатувларида зиддиятлар келиб чиқиши мумкин.

Бошқа томондан, олимлар А.Александров ва С.Гришин суд тергови давомида айрим тергов ҳаракатларини амалга ошириш хусусиятларини таҳлил қилиб, бир неча гувоҳни бир вақтда сўроқ қилишни сўроқнинг бир тури сифатида таърифлаб, уни суд терговидида процессуал ҳаракат сифатида қабул қилиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Бироқ, ушбу

позиция жиноий-процессуал қонунчиликда тартибга солилмаган процессуал ҳаракатларнинг амалга оширилишига рухсат бериш шартларига зиддир. Чунки, жиноят-процессуал қонунчилигига кўра гувоҳларни алоҳида сўроқ қилишни талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан, жиноят-процессуал қонунчилигига кўра агар аввал сўроқ қилинган шахслар кўрсатувларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлса, суд тарафларнинг илтимос ёки ўз ташаббуси билан уларни бир вақтнинг ўзида сўроқ қилиб, ушбу жараёнда улар суднинг рухсати билан бир-бирига саволлар беришлари мумкин.

Суд терговида гувоҳнинг видеоконференцалоқа орқали иштирок этишида ҳам мураккабликлар юзага келади. Бу, маълумотларни узатиш тезлиги, тасвир ва овоз сифати билан боғлиқ техник муаммолардан ташқари, бевосита суд жараёнида иштирок этиш имконияти билан ҳам боғлиқдир. Айрим вербал категорияга тегишли суд ҳаракатлари “масофадан” амалга оширилиши мумкин бўлса, бошқа турдаги жараёнларда техник шартлар муаммо туғдириши мумкин.

Техник масалалар сифати нуқтаи назаридан масофадан туриб, иш учун муҳим бўлган ҳолатларнинг мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш жуда қийинчилик туғдиради. Шунингдек, гувоҳнинг видеоконференцалоқа орқали алоқага чиқиши суд мажлисида, айниқса сайёр судларда гувоҳга предметлар, ҳужжатлар ёки шахсларни таниш учун кўрсатишда ҳам қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шу боис, сайёр судларда кўздан кечириш, танишиш предмет ёки ҳужжатларни учун тақдим этиш, тергов экспериментида гувоҳнинг видеоконференцалоқа орқали иштирок этишини қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Шунингдек, терговга оид суд ҳаракатларидан бири бўлган ҳодиса содир бўлган жойни **кўздан кечириш**га алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу борада айрим олимлар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва айрим бошқа терговга оид суд ҳаракатларининг далиллилиқ аҳамияти камлигини таъкидлайди. Масалан атоқли олим Т.Добровольская таъкидлаганидек: “Жиноят содир этилган пайтдан суд томонидан жой ёки биноларни кўздан кечиришгача анча вақт ўтиши мумкин. Шу сабабли, суд томонидан ҳодиса жойини кўздан кечиришни жиноятдан кейин ёки зудлик билан ўша жойнинг ҳолатини қайд этиш мақсадида амалга ошириш мумкин эмас. Шунингдек, жиноят излари ва бошқа моддий далилларни топиш ҳам асосий мақсад бўлолмайди.” – дея, суд жараёнидаги кўздан кечириш суд тергови мақсадларига хизмат қилмайди деб ҳисоблайди.

Ушбу позицияни тўлиқ қонуний ва долзарб деб ҳисоблаш мумкин. Вақт ўтиши билан кўздан кечиришнинг аҳамияти тўлиқ ёки қисман йўқолиши мумкин. Айрим ҳолатлар кўздан кечиришни амалга оширишнинг мақсадига мувофиқ келмаслиги мумкин. Бироқ, бундай терговга оид суд ҳаракатларини ўтказиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини ҳал қилиш суд муҳокамаси иштирокчиларига, якуний қарор суд раисига боғлиқ. Бундан

ташқари, Жиноят-процессуал қонунчилик суд тергови давомида барча суд ҳаракатларини ўтказишни мажбурий шарт сифатида белгиламайди. Демак, ҳар бир жиноий иш бўйича аниқ ҳаракатни ўтказиш масаласини суд тергови давомидаги аниқ ҳолатларга қараб алоҳида ҳал қилиш керак.

Суд тергови жараёнида ҳодиса жойини кўздан кечиришда техник ва ташкилотчилик муаммолари ҳам мавжуд бўлиб, унда тарафлар (давлат айбловчиси, жабрланувчи, судланувчи ёки уларнинг ҳимоячилари ва бошқа иштирокчилар) биргаликда иштирок этади. Ушбу ҳолатда дастлабки тергов ва суд терговида кўздан кечириш жараёнлари ўртасида тўлиқ ҳуқуқий аналогия мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Жиноят-процессуал кодексида суднинг ушбу терговга оид ҳаракатлар мақсадлари ва асослари аниқ белгиланмаганлиги унинг суд тергови вазифаларини амалга оширишда зарурлигини тушунишда ноаниқликка сабаб бўлади. Турли тадқиқотчилар суд тергови жараёнида кўздан кечириш турли мақсадларга эга деб ҳисоблайдилар: далилларни текшириш, бевосита қабул қилиш, ҳодиса содир бўлган жойнинг шароитлари билан танишиш, объектларнинг жойлашуви тўғрисидаги зиддиятларни бартараф этиш.

Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, кўздан кечириш жиноят изларини топиш, жиноий иш учун муҳим бошқа ҳолатларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бир томондан, иш ҳужжатларида жой ёки биноларнинг шароити ҳужжатлаштирилиши керак, иккинчи томондан, жиноят излари, ҳужжатлар ва бошқа ашёларни топиш ва олиб қўйиш мақсад қилинади.

Агар суд кўздан кечиришнинг мақсади жойнинг шароитини қайд этиш эканини тан оладиган бўлсак, бу амалда номигагина ўтказиладиган тергов ҳаракати ҳисобланади, яъни баённомада фақат жойнинг шароити қайд этилади. Шу сабабли, қайси ҳолатларни суд мажлиси баённомасига киритиш кераклиги, жойлашув координаталарини қандай аниқлаш каби саволлар туғилади.

Шу боис, олимлардан С.Россинский суд жараёнидаги кўздан кечиришни ихтиёрий характерга эга деб ҳисоблайди ва кўздан кечириш заруриятини тергов ҳаракатлари баённомалари бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги билан боғлайди. В.Бозров ва В.Кобяков суд кўздан кечиришни ўтказиш учун асослар сифатида қуйидагиларни кўрсатадилар: жиноий иш материалларида кўздан кечириш баённомаси йўқлиги, унинг тўлиқ эмаслиги, унинг далил сифатида қабул қилинмаганлиги ёки бошқа далиллар билан зиддиятга эга эканлиги каби ҳолатлар.

Биз суд кўздан кечиришининг мақсад ва асослари бўйича турли тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрларнинг кўп жиҳатдан ўхшашлигини, улар амалда бир хил мақсадларга йўналтирилганлигини кўрамиз. Қисқача хулоса шуки, суднинг арсеналида суд

кўздан кечиришини ўтказиш имконияти мавжуд бўлиши лозим ва ҳар бир иш бўйича мазкур ҳаракатни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисидаги қарор судьянинг ваколатида қолиши керак.

Суднинг биринчи инстанцияда жой ёки биноларни кўздан кечириш ҳаракати терговга оид суд ҳаракати сифатида мажбурий эмас. Бундай ҳаракатни ўтказиш имконияти ҳар бир иш бўйича суд терговидан вужудга келган ҳолатларга боғлиқ равишда томонлар ҳал қилади ва бу суднинг айрим қарорларига, шу жумладан, жиноят содир этилиш механизми тўғрисидаги ҳулосаларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга, суд тергови жаранида жой ёки биноларни кўздан кечириш суд ҳаракати сифатида амалга оширилганда, унинг тартибга солинишида баъзи бўшлиқлар ҳам мавжуд. Жуда кам учрайдиган, аммо реал ҳолат шундайки, кўздан кечириш вақтида бирор бир муҳим далил топилиши мумкин. Бундай ҳолатда, қонунчиликда суд томонидан бундай ашёларни қандай олиб қўйиш ва иш материалларига қўшиш тартиби кўрсатилмаган.

Шу сабабли, суд тергови жараёнида кўздан кечириш вақтида аниқланган жиноят излари ёки томонларнинг фикрича жиноий ишга алоқадор бўлган бошқа ашёлар суд мажлиси ўтказилаётган жойда томонлар томонидан кўриб чиқилиши, агар жойида кўздан кечириш қийин бўлса, топилган ашёлар ўраб, муҳрланиб ва иштирокчи шахслар имзолари билан тасдиқлангандан кейин суд залида кўриб чиқилиши масалаларига аниқлик киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, қонунчилигимизда суд тергови жараёнида топилган ашёларни жиноят иши ҳужжатларига қўшиш ҳақида судья томонидан тегишли қарор чиқарилишини кўрсатиш лозим.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчилигида суд тергови жараёнида жой ёки биноларни кўздан кечиришга рухсат берилса-да, турар жойни кўздан кечириш мумкинлиги ёки унинг тартиби ҳақида аниқ маълумот бермайди. Масалан, бунда суднинг оғзаки қарори керакми ёки ёзма қарор бўлиши шартми ва жой чекланганлиги сабабли барча иштирокчилар жойни тўлиқ кўриб чиқиш имконига эга бўлмаган ҳолларда кўздан кечириш тартиби қандай бўлиши аниқ эмас. Бундай шароитларда томонлар далилларни бевосита текшириш ҳуқуқидан чекланган бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, суд жараёнида жойларни кўздан кечириши жараёнида гувоҳларни сўроқ қилиш ёки тергов экспериментлари каби ҳаракатларни ҳам амалга оширилиши мумкин. Бироқ, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтида сўроқ ўтказилса, у ўзига хос ҳодиса жойида кўрсатувларни текшириш усулига айланади.

Шу нуқтаи назардан, суд тергови жараёнида кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш томонлар иштирокида, зарур бўлса гувоҳлар, мутахассис ёки эксперт

иштирокида ўтказилишини, бу ҳаракат томонларнинг илтимоси ёки суднинг ташаббуси билан ўтказилишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Суд тергов ҳаракатлари ҳар бирининг ўзига хос мақсадлари, тузилиши ва усуллари мавжудлигини инобатга олиб, балки суд жараёнида ҳодиса жойида кўрсатувларни текшириш ҳаракатини янада такомиллаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Семенцов В.А. *Следственные действия в досудебном производстве (общие положения теории и практики)*, Екатеринбург: Уральская государственная юридическая академия, 2006).

2. Баев О.Я. *Тактика уголовного преследования и профессиональной защиты от него*, М.: Экзамен, 2003.

3. Лузгин И.М. *Методологические проблемы расследования*, М.: Юрид лит., 1973.

4. Шейфер С.А. *Следственные действия. Основания, процессуальный порядок и доказательственное значение*, М.: Юрлитинформ, 2004.

5. Ларин А.М. *Расследование по уголовному делу. Планирование. Организация.*, М.: Юрид. лит., 1970.